7 MAR 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◉ № 45 (7. 434) ◉ 1991 йил 5 март, сешанба ◉ Нархи 8 тийин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитасининг бюроси «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг ишсизликдан муҳофаза қилиш фонди ҳисобига шанбалик ўтказиш юзасидан ташаббусини қараб чиқди. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг КПСС аъзолари Р. Установ ва Н. Торопченко ўртоқлар бошлиқ қолипловчилар ҳамда чилангар-йиғувчилар бригадаларининг меҳнат жамоалари «Рабочая трибуна» рўзномаси орқали шу йил март ойи шанба кунларидан бирида шанбалик ўтказиш, унда ишлаб топилган маблағларни ишсизликдан муҳофаза қилиш фондига ўтказиш ҳамда бирлашмада меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу даъват бирлашма партия қўмитаси, коммунистлари, бутун меҳнат жамоаси томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шанбалик ўтказиш ғояси биргина Тошкентдаги эмас, шунингдек мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари — Бишкек, Боку, Москва партия ташкилотлари, меҳнат жамоалари томонидан ҳам маъқулланяпти.

Шаҳар партия қўмитаси бюроси бозор муносабатларига ўтиш шароитларида меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаси, аҳолини иш билан таъминлаш партия ташкилотлари учун биринчи даражали аҳамият касб этишини таъкидлайди. Тошкент шаҳар партия қўмитаси «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси жамоасининг меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазаси учун шароит яратишга қаратилган ташаббусининг катта сиёсий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда район партия қўмиталари, бошланғич партия ташкилотлари бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ишсизликдан муҳофаза этиш шаҳар фондини ҳамда бевосита корхоналарда ижтимоий қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш учун шанбалик ўтказиш юзасидан кенг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни авж олдиришлари зарур, деб ҳисоблайди.

Шаҳар партия қўмитаси бюроси «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси меҳнат жамоасининг март ойидаги шанбаларидан бирида шанбалик ўтказиш, ишлаб топилган маблағни ишсизликдан муҳофаза қилиш фондига ўтказиш ташаббусини Ўзбекистон Коммунистик партиясининг меҳнат қилиш ҳуқуқига кафолат беришни таъминлаш юзасидан ҳаракат дастурини бажаришга муҳим ҳисса, деб ҳисоблайди.

Тошкент шаҳри район партия қўмиталари, бошланғич партия ташкилотлари, коммунистларига «Средазэлектроаппарат» жамоасининг шанбалик ўтказиш юзасидан ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш учун кенг ташкилотчилик, сиёсий ишларни авж олдириш таклиф этилди.

Ишсизликдан муҳофаза қилиш жамғармасига

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаси вакиллари «Рабочая трибуна» рўзномаси орқали шу йилнинг март ойларидан бирида шанбалик ўтказиш ҳақида даъват билан чиқдилар. Шанбаликдан ишлаб топилган маблағни улар ишсизликдан муҳофаза қилиш фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Ташаббус 12-цех меҳнат жамоасининг йиғилишида туғилди. Биз йиғилиш қарори билан танишиб чиқдик. Мана унда нималар дейилади:

А. НАЗАРОВ, цех бошлиғи: — Мамлакатимиз оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўриляпти. Ўн йилликлар давомида жамиятимиз қон-қонига сингиб кетган меҳнат қилиш ҳуқуқини шубҳа остига олиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бунинг мисоли сифатида баъзи завод ва фабрикаларнинг тўхтаб қолиши, турар жой ва саноат объектларининг ниҳоясига етказилмаётган қурилишлари, узундан-узоқ навбат кутишларни келтиришимиз мумкин. Шуни эътиборга олиб биз ишсизликдан муҳофаза қилиш фондини ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз. Ўйлайманки, бизнинг бу ҳаракатимиз кенг жамоатчилик томонидан қувватланади.

Р. УСМОНОВ, қолипловчилар бригадири: — Бригадамиз жамоаси номидан март ойининг шанба кунларидан бирида ишсизликдан муҳофаза қилиш фонди учун шанбалик ўтказишни таклиф қиламан. Шу куни технологик нуқсонсиз ва ишлаб чиқаришда узлуксизликка эришиш мақсадида маҳсулот ва барча материалларни олдиндан тайёрлаб қўямиз. Мен бирлашманинг барча меҳнат жамоаларини шаҳар, жумҳурият ва барча мамлакат аҳлини ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақираман.

Н. ТОРОПЧЕНКО, металл конструкциялар тайёрлаш участкаси бригадири: — Хайрли меҳнат анъаналаримиз ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Улар қандай яхши самаралар берар эди. Бу гал ҳам шу йўлдан боришга тўғри келади. Ишлаб топилган маблағимизни ушбу фондга ўтказиш ҳаммамизнинг бурчимиз деб ўйлайман. Кўриб турибсизки, бизнинг бригада ҳам қолипловчилар жамоаси таклифини бир овоздан қўллаб-қувватламоқчи. Четдан ёрдам кутишга ўрин йўқ. Шундай экан, келинг елкамаелка туриб, бир-биримизга ёрдам берайлик.

ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИДАН: қолипловчилар ҳамда чилангар-йиғувчилар бригадаларининг меҳнат жамоалари таклифи қўллаб-қувватлансин. Ушбу мурожаатнома мамлакатнинг барча меҳнат жамоалари орасида ишлаб чиқилсин.

А. МАҚСУМОВ.

НУФУЗЛИ НАШР

• МОСКВАДАГИ «Радуга» нашриётининг Тошкентдаги филиали фаолият доираси кенгайиб кетди. Бу ерда чет эл, Шарқ мамлакатлари тилларида ҳар йили турли камёб нашрлар кўп нусхада чоп этиб келинди.

Ана шуни инобатга олиб, мазкур филиал шу йилдан алоҳида мустақил нашриётга айлантирилди. «Шарқ» деб аталаётган бу янги нашриёт асосан ўзбек шоир ва ёзувчиларининг энг яхши асарларини хориждаги Шарқ давлатлари тилларида чиқариб, уларни кенг китобхонлар оммасига етказишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Хамир учидан патир деганларидек, хайрли ишнинг дебочаси сифатида атоқли адиб, академик Ойбекнинг машҳур «Навоий» китоби талайгина нусхада босилди.

Ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси ва буюк донишманд Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига яхши армуғон бўлган ушбу нуфузли нашр жойларга юборилди.

А. АКБАРОВ.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон меъморлар, рассомлар, бастакорлар, кинематографиячилар ва театр арбоблари ижодий уюшмалари билан Афғонистон Республикаси санъат арбоблари уюшмалари бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

— Афғон ва ўзбек халқларининг урф-одатлари, анъаналари, маданияти ўхшаш, — дейди Афғонистон Республикаси санъат арбоблари уюшмалари бирлашмасининг раиси Муҳаммад Айдар Пардез. — Ҳозирга қадар мамлакатларимиз ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар ҳукуматлар даражасида олиб борилларди. Биз маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида биринчи марта бевосита келишиб олдик.

Ҳамкорликнинг умумий йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистонлик меъморлар Афғонистондаги меъморий ёдгорликларни таъмирлашда иштирок этадилар.

(ЎзТАГ).



Юнусобод даҳасида 2-уйсозлик комбинатнинг 4-қурилиш бошқармаси 9-қаватли турар жой биносини қурмоқда. Зокир Расулов бошчилик қилаётган бунёдкорлар бинони муддатидан илгари топширишга аҳд қилишган.
СУРАТДА: ана шу қурилишда ишлаётган илғор монтажчи Валерий Аксемов.

17 март—СССР референдуми куни

КЕЛАЖАГИМИЗ ЖИПСЛИКДА

БИЗНИ ташвишга солаётган нарса бу иқтисодиётимизнинг инқирозга юз тутиши, кишилар турмуш тарзининг тобора ёмонлашишидир. Эндиликда бу нарса озиқ-овқат ва саноат моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар хом ашё танқислигидан ишламаётганида кўринмоқда. Неча йиллардан буён давом этган хўжаликлараро алоқа узилиб, шартнома мажбуриятлари бузилмоқда. Меҳнат жамоалари келгусида гўё туманликдан бошқани кўрмаяптилар. Бирлашмамиз коммунистлари бундай аҳвол билан бундан кейин келишиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар. Бундай шароитда бизнинг олдимизда битта йўл, у ҳам бўлса кучларимизни бирлаштириб, иқтисодиётимизнинг қандай бўлмасин бундан кейин барбод бўлишига йўл қўймаслик. Унинг учун эса ҳар бир кишидан у ким бўлишидан қатъий назар қаттиқ интизом, тинимсиз меҳнат ва уюшқоқлик талаб қилинади. Буларсиз халқнинг барча орзу-умидлари, режалари изидан чиқиб ўз маъносини йўқотади.

Ҳозир давлатимиз олдида қандай вазифа турибди? Иқтисодий тангсизликка йўл қўймаслик. Хўш, биз буни уддалай оламизми? Шу пайтгача бизнинг Иттифоқимизга буюк давлат сифатида қараб келишган. Эндиликда жумҳуриятларнинг ажралиб кетишини тасаввур қилиб кўринг-а! Жумҳуриятлар ўзаро низоларини ўзларича, тинч йўл билан ҳал қилишига ким кафолат беради? Бизнинг бирдан бир умидимиз, келажагимиз мустақил жумҳуриятлар иттифоқининг бирлашмасидадир.

Қўпмиллатли бизнинг Иттифоқимизда ҳамжиҳатлик, ўзаро дўстлик каби бой қадриятларимиз йиллар давомида таркиб топган бўлиб, энг суронли оғир дамларда синовдан ўтганини келинг, бир ёдга олайлик. Бу ажойиб қадриятларни янада ривож топтириб, халқ бахт-саодати йўлида қўллашимиз бизнинг вазифамиз. Келажак авлод бўлинган, тарқоқ давлат учун бизни кечирмаслигини унутмайлик. Шу боис жамоамиз аҳли қатори барчани 17 март куни жумҳуриятлар Иттифоқини сақлаш учун овоз беришга чорлаймиз.

А. САИДВАЛИЕВ,
Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси партия қўмитасининг котиби.

«МУСТАҚИЛЛИК ИТТИФОҚИ ДАРКОР»

● 17 март куни ўтказиладиган СССР референдуми олдидан шаҳримиз корхона, ташкилот ва муассасаларининг ишчи-хизматчилари ўз фикрлари билан ўртоқлашмоқдалар. Қуйида улар айримларининг суҳбатини ҳавола қиламиз.

М. ҚУРБОНОВ,
Ўрта Осиё темир йўлининг ҳаракат диспетчери:

— Мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий қийинчиликларнинг сабабини ҳар хил фикрлар билан баён этишяпти. Айримлар агар ҳар бир жумҳурият алоҳида-алоҳида мустақил давлатга айланса қийинчиликдан тезда қутиламиз, дейишяпти. Менимча, бу тўғри эмас. Масалан, мамлакатимиздаги темир йўллар бир-бирига жуда боғланган. Темир йўл муҳандиси сифатида шундай катта тармоқни парчалаб, бўлиб ташлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Бу билан яхши натижага эришиб бўлмайди. Албатта, Советлар Иттифоқини сақлаб қолиш керак. Бироқ, мустақил жумҳуриятлар Иттифоқи бўлиши керак. Ҳар бир жумҳурият ўзи яратаётган даромадга, табиий бойликларга ўзи тўла эгалик қиладиган, ҳар жиҳатдан мустақил бўлган иттифоқдош республика бўлиши керак.

З. ЗИЕДОВ,
«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бичиқчиси:

— Рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар корхонамизни четлаб ўтмаяпти. Биз мамлакатнинг ўндан ортиқ комбинатидан газламалар оламиз. Илгари ҳом-ашёлар ўз вақтида келарди. Ҳозир эса анча кутиб қоляпмиз. Тикувчиларнинг ишсиз қолган кунлари бўляпти. Бинобарин, аравани баравар тортадиган жумҳуриятлар Иттифоқи зарур. Бунинг учун Иттифоқ раҳбарлари юкни ҳаммага баравар тақсимласинлар. Бири иккинчисига қарам ёки боқиманда бўлиб қолмасин. Албатта «Ёлғиз отнинг чанғи чиқмас» дейдилар. Жумҳуриятимиз алоҳида давлатга айланиб кетса, мен унинг келажагини кўра олмаяпман. Биз қўшни ва қардош жумҳуриятлар билан бирга бир оила бўлиб, яшашимиз, тенг ҳуқуқли мустақил республикалар Иттифоқи бўлиб қолишимиз керак.

Суҳбатни С. ШАМСИДДИНОВ уюштирди.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» унвони бериш ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ва уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин:

Тошкент шаҳри бўйича

Эргашева Зулфия — уй бекаси, Ҳамза райони.
Искандарова Ёдгор — хизматчи, Собир Раҳимов райони.
Мирсоатова Умри — уй бекаси, Чилонзор райони.
Содиқова Васила Эргашевна — уй бекаси, Чилонзор райони.
Салмонова Озода Очиловна — уй бекаси, Куйбишев райони.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 19 февраль.

Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикасида Мухтабар Маҳмудова 25 йилдан бери ишлаб келмоқда. У кўплаб ёшларга мураббийлик қилмоқда.
СУРАТДА: М. Маҳмудова.
Т. Каримов суратлари.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларига—25 йил

1973 йил солномасидан

УЗБЕК КИТОБЛАРИГА ҚИЗИҚИШ

1973 йил 22 март

«Бугун республика китоб почта идораси жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатига жуда кўп китобларни юборди.

Пойтахтимиз нашриётларида чоп этилган бу китобларни асосон Европадаги социалистик давлатлар, капиталистик мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказлари олимлари сўрашган.

Чет мамлакатларга юборилган китоблар орасида ўзбек совет энциклопедиясининг II томидан 96 нусха, П. Булгаковнинг «Беруний ҳаёти ва асарлари»дан 110 нусха, М. Хайруллаевнинг «Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқларининг фалсафий меросидан» илмий китобидан 100 га яқин нусха бор».

Шаҳримизга Арабистондан келган меҳмон бир ажойиб боғда дам олаётиб, ўрик, шафтоли, жийда, олхўри, беҳи, олма дарахтларининг ғарқ пишган ҳосилини ва боғ ўртасидаги арикдан турли меволарнинг оқиб келаётганини кўриб, «Пайғамбаримиз назари тушган жойлар экан», — деб юртига қайтибди. Дарҳақиқат, бизнинг серфайз ва саховатли заминимизда битмайдиган мева ва сабзавотнинг ўзи йўқ. Фақат ерга оқилона муносабатда бўлсак бас. «Бир йилда — икки ҳосил» номли мақолада олимларимиз яратган янги ажойиб олма нави ҳақида ҳикоя қилинади.

«Академик Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган янги нав олма дарахти бир йилда икки марта гуллайди ва икки марта ҳосил беради; биринчиси — июнь ойининг охирида, иккинчиси — октябрь ойида. Янги нав олма «пахта олма»га нисбатан икки баравар кўп — гектаридан тўрт юз центнердан ортиқ ҳосил беради.

Янги нав олмани олимларнинг уч авлоди қирқ йил мобайнида яратди. Урта Осиёда илмий боғдорчиликка асос солган Р. Р. Шредер 1933 йилдаёқ биринчи бўлиб селекция ишини бошлаган эди. Олимнинг ишини ўғли А. Р. Шредер ва унинг хотини А. Г. Шредер давом эттирди. Кейинги йилларда уларга яқинда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган академикнинг невараси, Е. Шредер ёрдам берди.

... Институт ҳозирнинг ўзидаёқ республика колхоз ва совхозларига бу ажойиб дарахтнинг беш минг туп кўчатини жўнатди».

ШИФОБАХШ ЗАРДОБ

«Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти олимларидан Ф. Тошмуҳамедов, В. Федорчук, Н. Синяшин ва Р. Жавановалар уч хил заҳарли илон зардобларининг бирикмасидан иборат бўлган полевалентли зардоб препаратини яратдилар. Полевалентли зардоб илон заҳрини қирқадиган ягона эмдорн ҳисобланади.

Институт олимлари бу кашфиётлари учун Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси кумуш медали билан тақдирландилар. Полевалентли эмдорн препарати халқ хўжалигида қўллаш учун ишлаб чиқарила бошланди».

Пахтанинг хусусиятларини айтиб адо этиш қийин. У бизни ҳам едиради, ҳам кийдиради. Жумҳуриятимиз ҳам жаҳонга ўзининг «олтин қўлли» пахтакорлари билан танилган. Жумладан, сахий заминимиз пахтачилик тараққиёти ажойиб тарихга эга. Қуйида унинг юксалиш босқичлари билан танишамиз.

⊙ 1917 йил. Республика хирмонига 250 минг тонна пахта ҳосили жамғарилди.

⊙ 1932 йил шу билан характерлики, бу вақтга келиб, мамлакатимиз чет эл капиталининг пахта қарамлигидан озод бўлди. Шу йили Ўзбекистонда 804 минг тонна «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олинди.

⊙ 1935 йил. Республика тарихида биринчи бўлиб ётиштирилган пахта ҳосили 1 миллион тонналик маррани қатлаб ўтди. Шу йили 1.107 минг тонна пахта тайёрланди.

⊙ 1950 йил. Ўзбекистоннинг уч миллион тонналик пахтаси томон ҳаракат қилди. Республика хирмонига шу йили 2.282 минг тонна пахта топширилди.

⊙ 1958 йил. Республикада биринчи марта уч миллион тонналик маррадан ошиб ўтилди.

⊙ 1966 йил. Беш миллион тонна учун қатъий кураш бошланди. Шу йил кузида 4.083 минг тонна пахта териб топширилди.

⊙ 1971 йилда 4511 минг, 1972 йилда эса 4711 минг тонна пахта тайёрланди.

⊙ Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида республика меҳнаткашлари беш йилликнинг охирига белгиланган марранк эгалладилар. 4 миллион 900 минг тоннадан ошириб «оқ олтин» топширилди.

Кўпчиликни телевиденениенинг тарихи қизиқтирса керак. Ахир ҳозирги ҳаётимизни «ойнаи жаҳон»сиз тасаввур этиб бўлмайди. Яқин келажакда узлуксиз 24 соат мобайнида телекўрсатувлардан баҳраманд бўлишимиз мумкин. Қувонарли жойи шундаки, илк бор жонажон пойтахтимизда тажрибалар ўтказилиб, жаҳон телевиденесига асос солинган. Буни албатта кўпчилик яхши билса керак. «Ўзбекистонда телевиденне» деб номланган мақола орқали эса ўзбек телевиденнесининг тарихи билан батафсил танишишимиз мумкин.

«... 1928 йил 28 июлда рус инженери Б. П. Грабовский кўҳна Тошкентда дунёда биринчи бўлиб, инсон қиёфасини экранга туширди. Телевиденне антеннаси биринчи бор Ленинград шаҳрида кўтарилган бўлсада, биринчи теле-тажриба Тошкентда ўтказилган ва телевиденнега асос солинган эди.

1954 — 1956 йилларда Тошкентда телемарказ қурилди. «Заҳгорн экран» уйларимиз тўридан жой ола бошлади. 1956 йилнинг 5 ноябрда бир ярим соатга мўлжалланган дастлабки эшиттириш эфирга узатилди. Хонадонлардаги телевизорлар тилга кира бошлади.

Шундан сўнг, ўзбек телевиденнеси кун сайин ривожланиб, мукаммаллашиб борди. 1958 йилдан студия биринчи кўчма станцияга эга бўлди. Бу станция ёрдамида ислаталган ернинг ўзида эшиттириш ташкил қилиш ва уни телетомошабинларга кўрсатиш имкони туғилди.

Техника тараққиёти туфайли Тошкент телевизион марказининг эшиттиришларини томоша қиладиган жойлар ҳам муттасил кенгайиб боряпти. 1958 йили Самарқанд ва Фарғонада ретрансляторлар, 1962 йили Андижонда областлараро телестудия, 1961-1964 йилларда Урганч ва Нукусда янги телемарказлар қурилди.

1966 йилда Марказий телевиденне билан доимий алоқа йўлга қўйилди. Эндиликда, Марказий телевиденне орқали мамлакатимизнинг ҳамма қисмларида, шунингдек, интерёденне системасига кирган мамлакатларга Тошкентдан берилаётган эшиттиришлар ҳам кўрсатиляпти. Фрунзе, Олмаота, Душанба ва бошқа йирик шаҳар телестудиялари билан мунтазам равишда программалар алмашиняпти».

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Тошкентда бўлиб ўтган республика хотин-қизлар кенгашининг III пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Ҳ. А. Алимова республика хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасидан озод қилинди. Пленум жумҳурият хотин-қизлари жамоатчилигининг хотин-қизлар кенгашини Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон хотин-қизлар комитетига айлантириш ташаббусини қўллаб-қувватлади. «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири бўлиб ишлаётган Ҳ. У. Худойбердиева комитет раиси этиб сайланди.

⊙ Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ҳузурида «Ўзлуксиз таълим маркази» ташкил этилди. Унга ўз билимларини ошириш иштиёқида бўлган олий маълумотли кишилар қабул қилинади. Бу марказ меҳнат жамоалари билан шартнома асосида ишлайди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

⊙ 4 март куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида бўлиб ўтган иттифоқ ҳукуматининг мажлисида мамлакат ҳаёти, унинг барча халқлари турмуши билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуи қараб чиқилди.

ХОРИЖДА

⊙ Кўча Ироқ Президенти Саддам Ҳусайннинг ўғли Удей Ҳусайн Президентнинг истеъфосини талаб этаётган намойишчилар ва давлат бошлиғи тарафдорларига соддиқ қишилар билан бўлиб ўтган тўқнашув пайтида ўлдирилди.

⊙ Польшанинг Зелена-Гура шаҳрида бўладиган совет эстрада қўшиқлари фестивали ўтказилмайдиган бўлди. Бу фестиваль бекор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари—ҳаётга

⊙ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қабул қилган қарорлар бўйича жойларда коммунистларнинг партиявий-снёсий ва ғоявий ишлари жадал олиб борилиши лозим. Асосий ролни ўйновчи район партия қўмиталари бу йўналишда ишни қандай давом эттирмоқдалар?

Акмал Икромов район партия қўмитасининг иккинчи котиби А. Г. Ивашкин билан бўлган суҳбатимиз мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди.

— Ҳар бир партия ташкилоти бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўзининг муайян ҳаракат дастурини аниқлаб олиши керак. Бу борада район партия қўмитасининг фирқа ташкилотларига бераётган амалий ёрдами нималардан иборат?

— Халқ депутатлари район Кенгаши ижроия қўмитасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи майда корхоналар ташкил этишга ёрдам кўрсатувчи, савдо корхоналари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари янги иш усулига ўтиш имкониятларини ўрганувчи янги бўлим ташкил этилган.

Мустақилликка қўйилган қадам

Ишни нимадан бошламоқ керак? Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи майда корхоналар бунёд этиш, чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилувчи корхоналарни кенгайтириш керак бўлади.

Районимизда оз бўлсада тажриба бор. Бу термос ишлаб чиқарувчи Совет—Хитой ҳамкорлик корхонасининг муваффақиятли фаолиятидир.

Районнинг саноат базаси кичик ва аҳолиси кўп. Бундай корхоналар районнинг маҳаллалар жойлашган қисмида жуда зарур. Турли сабабларга кўра райондаги 1548 киши ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Булар болали аёллар, пенсионерлар. Ҳозир кўпчилик хотин-қизлар «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси, касаначилик фабрикаси учун турли ишларни ўз уйларида бажаришаяпти. 106-мактаб ўқувчилари эса миллий мусиқа асбоблари, бош кийимлари фабрикасида иш олиб боришаяпти.

Бундай тадбирлар туфайли биз аҳолининг меҳнат билан бандлиги масаласини тўла ва яхши ҳал этамиз, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтирган бўламиз.

Янги Устав қабул қилиниши билан фирқа ташкилотлари асосий кучга айланишлари, гуруҳий манфаатлардан юқорироқ бўлиши керак.

Ҳар бир бошланғич фирқа ташкилоти унинг бюроси ва котибидан юз бераётган воқеалардан ўз вақтида, тўғри хулоса чиқариб олиш, меҳнат жамоасидаги ахлоқий-маънавий муҳитни тўғри баҳолай олиш ва бунинг асосида тўғри қарор чиқариш талаб этилади. Агар бошланғич партия ташкилоти корхона ичида янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш учун фаол иш бошласа, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишига ҳар томонлама кўмак берса, унинг обрў-эътибори ортади.

Бугунги кунда ким партияни танқид қилаяпти? Шунчаки кўз қиринғини ташласанг, улар ўзларини «халқ сайлаган кишилар», «адолат қурашчилари» деб аташади. Бундайлар бизнинг орамизда ҳам бор. Ҳозир улар коммунистларга ва бутун партияга тош отишаяпти. Бизнинг 1000 кишидан ортиқ фахрийлар бундай ёт кишиларни партия мажлисларида муҳокама қилиш, КПСС аъзолигидан чиқаришгача қаттиқ чора кўриш керак, деб топдилар.

Бунинг сабаби нима?

Бошланғич партия ташкилотларига жанговарлик, талабчанлик етишмайди. Бу ўз навбатида мураккаб жараёнларга олиб боради. Ишчи-коммунистлар сиёсий фаоллигининг пасайиш сабаблари кўринаяпти, уларнинг қайта қуриш натижаларидан норозиликлари ўсаяпти, бу ўз навбатида партия интизомининг пасайишида ва КПСС сафидан чиқиб кетишларида ифодаланаяпти.

Тан олиш керак, партия ташкилотлари ҳар доим ҳам авангардликни намоён қилишмаяпти, ҳар доим ҳам уларнинг овозни ишонч билан чиқмайди, улар партия фаолларининг ташаббусларини кўпинча қўллаб-қувватлашмайди.

Бугунги кунда бошланғич партия ташкилотларининг қарорлари кишилар манфаатидан анча узоқда қоляпти.

Бу масалаларни ҳал этиш учун партия мажлисларида коммунист-раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглашни давом эттириш, партия ва ишлаб чиқариш жараёнида тартиб-интизомни йўлга қўйиш чораларини кўриш зарур.

— Ўтган йили пойтахт коммунистларни орасида биринчи бўлиб ҳудудий партия ташкилотларини тузиш ҳақида гап бўлган эди. Жумладан, Акмал Икромов районида бу иш кенг кўламда бошланяпти, деб эшитардик. Бу нарсанинг давом этиши қандай бўлаяпти?

— Соф ҳудудий партия ташкилотлари эмас, балки ҳудудий ишлаб чиқариш партия ташкилотларини тузиш керак. Уларга уй-жой, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, мавзе, маҳаллалардаги коммунистларни киритиб тузиш керак.

Ахир район партия қўмитасига район аҳолиси нафақат партияга тааллуқли масалалар бўйича, балки ўзларининг шахсий, ҳаётий, яъни коммунал хўжалик, дўконлар иши, поликлиника, участка инспектори, милиция ишлари билан ҳам илгаригидай мурожаат қилишаяпти. Агар Коммунистик партия авангардликка даъво қилса, унда аҳолини ташвишга соладиган масалаларни ҳал этишдан бош тортмаслиги керак, туғилган барча саволни жойида, ўз вақтида ечиш зарур.

Ҳозир районда 12 ҳудудий партия ташкилоти тузилиб, ўз сафига район мавзеларида яшовчи пенсионер-коммунистларни бирлаштирган.

Бугунги кунда ҳудудий партия ташкилотларига жой ажратилган, улар саноат, қурилиш, транспорт каби амалий ва методик ёрдам кўрсатувчи ташкилотларга биркитилган.

Ҳудудий партия ташкилотлари ишига котиблар Кенгашидан В. Кван раҳбарлик қилади.

— Партияга қабул қилинаётган кишиларни тантанали равишда қутлаш анъана тусига кирибди. Сир эмас, ҳозир КПСС сафидан кетишни хоҳлаб ариза бераётган кишилар сони камаётгани йўқ. Буларга нисбатан район фирқа қўмитасининг муносабати қандай бўлаяпти?

— Фирқа қўмитасининг суст иши, коммунистларнинг бошланғич партия ташкилоти фаолияти тўғрисида ҳеч қандай хабар-маълумотга эга эмаслиги кекса коммунистларга, сўнгра ёш коммунистларга нисбатан ҳам талабни пасайтиради. Шундай вазиятда КПСС сафидан чиқиш аризалари пайдо бўлади.

Бошланғич партия ташкилотларига тушган барча аризалар, ариза берган ўртоқлар билан бўлган суҳбатлар таҳлили шуни кўрсатадики, бир киши ўз аъзолик бадали билан партия аппаратини «боқишни» хоҳламайди, иккинчиси Уставдаги айрим ҳолатлар уни қониқтирмаётганини айтади, учинчи бири эса соғлигини рўкач қилади, тўртинчиси партияга аъзо бўлишни хато деб ҳисоблайди. Уларга ҳар бир коммунистнинг қайта қуришдаги роли, партия ташкилотининг меҳнат жамоасига таъсири тўғрисида тушунтириш зарур. Партиянинг янгиланиши — ҳар бир партия ташкилоти умумий вазифаларидан келиб чиқиб ва Устав ҳолатларига суяниб, ўз ҳаракат дастурига эга бўлишини, яъни меҳнат жамоаси аниқ шароитларида жавоб берувчи дастурга эга бўлишни талаб қилади. Масалан, Тошкент заргарлик заводи бошланғич партия ташкилоти давлатдан квартира сотиб олиш ва уларни ўз ишчиларига бепул фойдаланишга беришдек ижтимоий масалани ҳал этишга киришди. «Узводстройтранс»нинг РОАТ ташкилотида шахсий уйларни сотиб олиш учун кредит ажратилмоқда. Бу ташкилотларда мустаҳкам партия интизоми, ўртоқлик муҳити ўқим суради, бу ерда партиядан чиқиш тўғрисидаги аризалар кўрилмайди.

Айрим партия ташкилотлари фаолиятларини бошқача тасвирлаш мумкин: уларда қандайдир иккиланиш, хоҳиш йўқлиги ёки юқоридан буйруқни кутиш, ўзгарувчан сиёсий вазиятни англай олмаслик кузатилади.

Келажакдаги режалардан бири — район партия қўмитаси бошланғич партия ташкилотларига барча масалаларни эркин ҳал этиш ҳуқуқини беришдир. Район партия қўмитаси бюроси қарори билан партия ташкилотлари котиблари район Кенгаши тузилди. Бу Кенгаш томонидан ёрдам кўрсатиш, бошланғич партия ташкилотларига аъзолик бадалларини бўлиб бериш масалалари муҳокама қилинади. Партия ташкилотларига тавсиялар, умумлашмалар ишлаб чиқишда жойлардаги ишнинг аҳволини таҳлил қилиш учун район партия қўмитаси доимий комиссияларига кўп диққат - эътибор берилади. Район раҳбарларининг меҳнат жамоалари билан бўладиган учрашувлари давом этади.

Суҳбатдош
Ф. ҒУЛОМОВА.

Янгиликлар, хушхабарлар

ЁРДАМЧИ ТАРМОҚЛАРНИНГ ФОЙДАСИ

Пастдарғом районидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг ёрдамчи тармоқлари муваффақиятли ривожланмоқда. Айниқса мармарга ишлов бериш цехи яхши даромад келтираяпти. Қисқа вақт ичида бу цех ёрдамида хўжалик 140 минг сўм даромад қилди.

— Ҳом ашёни биз қўшни Нуротадан оляпмиз, — дейди жамоа хўжалигининг раиси А. Сафаров. — Цехда қайта ишланган маҳсулотни асосан Свердловск ва Грузияга юборяпмиз. Бунинг эвазига қурилиш материаллари ва металл қувурлар олмоқдамиз. Яқинда хўжалигимизга Москвадан мутахассислар келишди. Улар чет эл фирмалари билан алоқа ўрнатишда воситачилик қилишни ўз зиммаларига олдилар. Биз бундай шартномаларни имзолашдан манфаатдормиз. Шу туфайли ишлаб чиқаришни кенгайтириб, яна 50 кишини ишга олмоқчимиз.

Бундан ташқари, жамоа хўжалиги район матлубот уюшмаси билан биргаликда томат пастаси ва шарбатни тайёрлайдиган цех қурмоқда. Бу цех шу йилнинг май ойида ишга туширилади. Бу цехга яна қариб 100 киши ишга олинади. Жамоа хўжалигида анъанавий халқ ҳунарларини тиклаш борасида ҳам дастлабки ишлар қилинаяпти, тегирмон ва жузвохона қуриш режалаштирилган.

ДЕҲҚОНЛАР ЎҚИШМОҚДА

Ҳўжаобод районининг «Ленинград» жамоа хўжалигидаги иқтисодий ўқув ташкилотчилари амалиётга яқинроқ бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шу туфайли дастлабки машғулотлар шу хўжаликнинг ижарачиси Шермуҳаммад Даминовнинг чиқишлари билан бошланди.

Бунинг учун айни шу одамни танлашгани бежиз эмас. Баҳорда Ш. Даминов ўз оиласи билан хўжаликдан 27 гектар ерни ижарага олиб, бу жойларга чигит экди. Шартномага кўра ижарачи ҳар гектар ердан 28,5 центнер пахта олиши керак эди. Амалда эса ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Оиланинг умумий даромади 70 минг сўмни ташкил қилди.

Пахтакор бу муваффақиятга қандай эришгани, деҳқончиликнинг қандай сирларидан фойдаланганини тўғрисида ўз юртдошларига гапириб берди.

Иқтисодий ўқув курслари тингловчиларига жамоа хўжалигининг ва район деҳқончилик-саноат уюшмасининг мутахассислари, вилоят олий ўқув юртларининг деҳқончилик соҳаси олимлари сабоқ беришади.

ЙИЛИГА 360 ТОННА МАҲСУЛОТ

Нукусдаги спиртсиз ичимликлар ва пиво заводида мармелад ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ускуналар ўрнатила бошланди. Бу ширинликни тайёрлаш учун корхонада янги цех ишга туширилади.

Лойиҳада кўрсатилишича, бу цех йилига 360 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Лекин бу келажакда цех ишларни авж олдириб, икки сменада ишлай бошлаганидан кейин бўлади. Бироқ шу йилнинг ўзидаёқ 80 тоннага яқин мармелад ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон дўконларига юборилади.

Янги қувватларни ишга тушириш кўп жиҳатдан заводдаги барча бўлимларнинг барқарор ишлаши туфайли мумкин бўлди. Чунончи, ўтган йили бу ерда барча кўрсаткичлар бўйича режалар бажарилди. Натижада даромад режадаги 15 минг сўм ўрнига 65 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг анчагина қисми корхонани ва ижтимоий-маданий маиший соҳани ривожлантиришга сарфланади.

(ЎзТАГ).

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА МАРОҚЛИ

Меҳнат жамоаларида

НЕГАДИР бу корхона ҳақида рўзномаларда жуда кам ёзилади. Лекин унинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти ўта зарур ва муҳимлиги билан бошқа корхоналарникидан қолишмайди. Игна билан қудуқ қазишдек ишга қўл урган фидойи ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини айтмайсизми? Уларнинг заҳматини кон қазувчиларга қиёс этгулик. Биз яқинда ушбу корхонада бўлганимизда бунинг яна гувоҳи бўлдик.

Корхона цехларини тўлдирган доришунослар ҳаракатини кузатамиз. Улар ўз ишларига шунчалик берилиб кетишганки, ҳатто яқинларига келган кишига ҳам қиё боқишмайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки улар бажараётган жараён хизматчидан ўта синчковлик ва эътиборлиликни талаб қилади. Борди-ю хаёлпаришонлик билан озгина хатога йўл қўйилса борми, унинг оқибати нима билан тугаши ҳаммага аён.

Ўзини Ахбор Одилов, деб таништирган йигит бизга дори тайёрлаш бош корхонаси иш фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Кундалик юмушлар, бу ерда тайёрланадиган турли-туман дори маҳсулотлари ва уларнинг турлари, меҳнат илғорлари ҳам суҳбат доирасидан четда қолмади.

— Агар рози бўлсангизлар, сизларни, ўзим ишлаётган бўлимга олиб кетаман. У Собир Раҳимов ноҳиясида жойлашган. Очиғини айтсам, филиалимизга мухбирларнинг оёғи ҳали етмаган, — деди сўзининг охирида А. Одилов.

Корхона бошлиқлари ҳам бунга рози бўлишди. «Ҳар қалай биз ҳақимизда аҳён-аҳёнда бўлса ҳам битта-яримта материал ёритиб туришади. Лекин филиалимиз ҳамиша бундай эътибордан четда қолади», қабилида гап қилишди.

Ноилож таклифга кўндик. Очиғи филиал биз тасаввур этганчалик кичик эмас, балки, у ҳам ўзига хос корхона экан. Бу ерда 200 га яқин киши меҳнат қилади. Улар орасида олий маълумотли доришунослардан тортиб ўз касбини пухта ўзлаштириб олган ишчиларгача топилади. Бўлимда иккита цех мавжуд бўлиб улардан бирида дори тайёрланади. Иккинчисида, эса дока боғич (бинт), махсус пашшахоналар ишлаб чиқарилади.

Дори тайёрлаш цехи иши билан қизиқдик. Бу ердаги кўпгина жараёнлар автоматлаштирилган экан. Баъзи бир дориларни (албатта мутахассис кузатувида) ақлли техниканинг ўзи тайёрлаб чиқараяпти. Шундай мураккаб жараённи моҳирлик билан бошқараётган машиналар ишига қойил қоласан киши. Доришунослар ўз касбларини шунчалик пухта ўзлаштириб олишганки, ўзларига юклатилган барча юмушларни тез ва чаққон бажаришади. Тайёр дорилар кичик шишачаларга бир меъёрда қуйилади. Масъулиятли жараённи бажараётган кишиларни ўзга суҳбатга чалғитишга ҳам ийманар экансан. Цех бошлиғи бизнинг фикримизни тушунди шекилли:

— Юринглар, мен сизларни 2-цехимиз фаолияти билан таништирай. Ҳар қалай у ер бироз эркинроқ, — деди жилмайиб.

Бу ерда ишлаётган 110 ишчи ва хизматчининг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилишади. Улар устларига оқ халат кийиб олишган. Жамоанинг катта қисми комсомол-ёшлардан иборат.

Цехда барча ишлар ярим автомат дастгоҳлар ёрдамида бажарилади. Машиналар докаларни керакли ҳажмларга бўлишади, ўрашади. Бу кесилган дока боғичлар орасида эни 5 сантиметрдан ортиб, то 14 сантиметрлигигача бор. Хуллас цехда 12 хил кенгликдаги дока боғичлар тайёрланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса пешма-пеш жумҳуриятимизнинг турли шифохона ва дорихоналарига жўнатиб турилади.

— Мен корхонада узоқ йиллардан бери ишлайман, — дейди биз билан суҳбатда тайёр маҳсулотларни йиғувчи Мавлуда Исмоилова. — Меҳнатимиз ҳам масъулиятли, ҳам мароқли. Дугоналарим З. Икромова, В. Холматовалар ҳам мен билан ёнма-ён ишлашади. Улар билан мусобақадош бўлсакда, керак вақтда бир-биримизга ёрдамлашамиз. Билмаганимизни ҳамжиҳатлик билан ўрганамиз. Энг муҳими ишимизга ижодий ёндошиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз. Мен ўзим кунлик режамни ҳамиша ортиғи билан адо этаман.

— Сизларда ҳам ўзига хос муаммолар бўлса керак, — сўраймиз А. Одиловдан.

— Бўлганда қандай. Биласизми, бизга керакли бўлган маҳсулот Ивановодаги тўқимачилик комбинатидан олиб келинади. Қарангки, оддий докани ҳам ўзга юртдан оламиз. Агар маҳсулот ўз вақтида келмай қолса борми, (шундай ҳоллар ҳам бўлиб туради) ишимиз тўхтаб қолишига тўғри келади. Наҳотки ўзимизни шундай катта тўқимачилик комбинатимизда дока маҳсулотларини ишлаб чиқариш қийин бўлса. Ахир пахтани Иваново биздан олади-ку. Умуман, бошқа корхоналарда бўлгани каби бизда ҳам шартнома мажбуриятларини бажариш қийин бўлаяпти, — дейди А. Одилов.

Цехдаги яна бир нарса бизни хушнуд этди. У ҳам бўлса, дугоналар орасидаги тотувлик ва иноқлик. Ишчилар сафида турли миллат кишилари бўлсада уларнинг ҳаммаси бир мақсад йўлида тер тўкишади. Бирга тушлик қилишади, дам олишади. Айниқса тушликда ҳордиқ чиқариш хонаси гавжум бўлиб кетар экан. Ким телевизор кўраётган, ким китоб мутолаа қилаётган (айтгандек бу қизларнинг кўпчилиги тиббий олийгоҳларда сиртдан таҳсил олишади), шахмат-шашка ўйнаётган, хуллас ҳамма ўзи қизиққан машғулоти билан шуғулланади. Бунинг учун етарли шароит мавжуд. Изоҳга ҳожат йўқ. Қулайлик бор жойда иш унуми ҳам, самарадорлик ҳам яхши бўлади.

Бўлимдан қайтаётганимизда бир хушхабар тарқалди. Бригадалараро беллашувда Дилфуза Мирзайўлдошева етакчилик қилаётган жамоа голиб чиқибди.

М. ОРИПОВ.

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотларни йиғувчи М. Исмоилова; илғор бригада аъзоларидан бир гуруҳи; цех бошлиғи А. Одилов ва мураббий ишчи Т. Давлатовалар.

Х. Мирзакаримов суратлари.

ТУРМУШНИНГ ЎЗИ КЎРСАТИБ БЕРДИ

Бирин-кетин саволлар туша бошлади:

— Ижарачилар жамоасининг раҳбари ходимларнинг сонини, иш ҳақи миқдорини мустақил белгилаши мумкинми?

— Завод доирасида ташкил қилинадиган кичик корхонанинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

— Кичик корхона билан завод ишининг бир қисмини бажаришни зиммасига олган кооператив ўртасида қандай фарқ бор?

Иқтисодий ислоҳот муаммоларига тааллуқли бу саволлар «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси цех ва бўлимлари бошлиқлари курсининг дастлабки машғулотида берилди. Бундай ўқувнинг зарурлигини ҳаётнинг, ўзи кўрсатиб берди. Бирлашманинг кўпгина меҳнат жамоалари ижарага ўтишга тайёргарлик кўрмоқда, трактор заводида акционерлик корхонаси тузиш тўғрисидаги гаплар тезтез такрорланаяпти. Шу сабабли цехлар ва бўлимларнинг раҳбарлари ўзларининг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини, махсус техника фанларига доир билимларини чуқурлаштиришга интилаётганликлари табиийдир.

Машғулотлар программасида шуларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган, машғулотлар эса бир неча ойга мўлжалланган. Уларни республика пойтахтидаги олий ўқув юртларининг муаллимлари ўтмоқда. Ишлаб чиқариш командирларининг машғулотлар амалий тусда бўлиши керак деган истаклари ҳам эътиборга олинган. Шунинг учун ҳам, инженер-техник ходимлар гуруҳлари Минск, Волгоград, Челябинскка хизмат сафари билан бориб, йирик машинасозлик корхоналари жамоаларининг тажрибаси билан танишади.

Ҳозир Тошкент трактор-созлари техника тараққиётига, электроника ва инженерлик меҳнатини кенг жорий этишга катта умид боғламоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, курс программасида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий воситаларини ўрганишга 92 соат ажратилган. Цехлар ва бўлимларнинг бошлиқлари компьютерлардан, бошқа электрон техникадан фойдаланишни ўргандилар.

Бозор муносабатларига ўтиш вужудга келтирган муаммолар мастерлар билан машғулотларнинг қандай тусда бўлишини белгилаб берди. Улар махсус гуруҳларда ижара муносабатлари, хўжалик ҳисоби асосларини ўрганадилар. Малакали психологлар ва соцнологлар жамоа орасида юз берган муаммоларни ҳал этишда мастерларга ёрдам берадилар.

(ЎзТАГ мухбири).



Тўрт йилдан бери Тошкент подшипниклар заводида меҳнат қилиб келаётган Д. Иванов маҳсулотларни сифатли тайёрлаш билан ҳамкасблари олқишига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Д. Иванов.
Х. Мирзакаримов сурати.

Бозор иқтисодиёти бўсағасида

ҲАМКОРЛИК ХИСЛАТИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ деярли барча корхоналари бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодий танглик ҳамда хом ашё тақчиллигини бошидан кечираётган бир пайтда «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси катта муваффақиятларни қўлга киритаётганлиги таҳсинга сазовордир.

— Қарийб 30 га яқин чет мамлакатларга маҳсулот жўнатаётган бирлашмамиз жамоаси эндиликда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан яна Покистон, Индонезия, Польша, Чехословакия, Корея каби чет давлатлар билан ҳам ҳамкорлик шартномаси тузган, — дейди бош директор Ю. Пайгин. — Шунингдек, бизнинг маҳсулотларимиз деярли барча Иттифоқдош жумҳуриятларга жўнатилади. Бу йил ҳам қардош жумҳуриятлар билан ҳамкорлик шартномаси тузилган.

Тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасидаги барча ишлаб чиқариш цехлари имкониятини ҳисоблаб чиқиб, яқин орада Олмония, Австрия, АҚШ ва Франция каби чет давлатлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда биргаликда қўшма корхоналар ташкил этишга аҳд қилди. Сабаби, бугунги мураккаб вазиятда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш орқалигина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Зотан, ўтган 1990 йил режасини 100,2 фоизга адо этган бирлашма аҳли йигирув машиналари ишлаб чиқариш бўйича режани ҳам 101,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режасини 100,4 фоизга бажаришга муваффақ бўлди.

Маълумки, ишчиларнинг ўз меҳнатига, касбига бўлган иштиёқини ошириш истеъдод ва қобилиятини ўстириш, шунингдек ҳар бир ишчининг ўз меҳнати маҳсулидан моддий манфаатдорлиги ҳам бевосита мусобақанинг етакчилик кучига боғлиқ, албатта. Шундай экан, бугунги иқтисодий танглик вазиятида мусобақани кенгроқ оммалаштириш, унинг ролини юксалтириш ҳамда социалистик мусобақанинг турли шаклларини ишлаб чиқиб, уни корхонада, иш жойида жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бирлашма партия қўмитаси котибининг ўринбосари Омон ака Ниёзов янгича иқтисодий снёсатга ўтиш арафасида ҳар биримиз меҳнатининг энг илғор шаклларини янада оммалаштиришимиз лозимлигини қайд этди.

— Тўрт мингдан зиёд ишчи ва хизматчи меҳнат қилаётган бирлашмамизда ҳам эндиликда мусобақага бўлган эътибор анча пасайган, — деди у. — Лекин бизда ҳамон ишчилар ўртасида ўзаро дўстона рақобат туфайли иш сифатини ошириш ва самарадорликни юксалтиришга эришиляпти. Ўз навбатида бу ҳам ишчининг касбига ва меҳнатга бўлган иштиёқини оширмоқда.

Ҳа, мазкур бирлашма жамоаси чиндан ҳам меҳнатни ташкил этишнинг илғор ва самарали усулларини излаб топаётгани айни муддао бўлаяпти.

Мусобақанинг етакчилик кучига лозим баҳо берилмаётган жойларда эса иш самарадорлиги пасайиб, маҳсулот сифати кундан-кунга камайиб бораяпти. Ўз навбатида ишчиларнинг умумманфаатига интилиш ва қизиқиши, жамоа манфаати учун кураши ҳам ўз-ўзидан сўниб бораяпти. Оқибатда мусобақанинг «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган ажойиб шиори эътибордан четда қолди. Ҳар ким ўзи учун, ўз манфаати учун ишлайдиган бўлди.

Эндиликда кишилар орасида ўзаро мусобақа ва дўстона рақобат туфайли юзага келган баҳамжиҳатлик, ҳамкорлик каби хислатларни қайта тиклаш, уларни йўлга қўйиш шу кунининг талабидир. Бу ҳам эришилажак муваффақиятлар омили бўлиши шубҳасиз.

З. ДУСМУҲАМЕДОВА.

Анъаналар—халқ мулки

НАВРЎЗГА МУШТАРАК БАЙРАМЛАР

⊙ Жумҳуриятимиздаги турли миллат вакилларига маънавий озиқ бераётган туб халқларнинг тарихий-миллий анъаналари ичида баҳор байрами Наврўз — Янги йил алоҳида ўрин тутади. Наврўз узоқ ўтмиш давомида ўлкамиз халқларининг моддий олам — табиатни англаш борасида шаклланган маънавий меросидир. Эндиликда ўлкамиз халқларининг ижтимоий-маънавий ҳаёт тарзига қайтадан кириб келган баҳор байрами янги шакл ва мазмун билан тобора бойиб бормоқда.

БИЗ яшаб турган Евросиё қитъаси аҳолиси дунё маданиятининг таркиб топиши, тараққиёти ва шаклланишига муҳим ҳисса қўша олди. Айниқса Шарқий, Марказий, Ўрта, Кичик, Жанубий Осиёнинг гуллаб-яшнаган воҳаларидаги қадимги маданият марказлари, жумладан Хуанхэ ва Янцзи дарёлари оралиғидан Хитой, Ҳинд ва Ганг дарёлари оралиғида Ҳиндистон, Тигр ва Ефрат дарёлари оралиғида Месопотамия, шунингдек Сирдарё ва Амударё бўйларидаги воҳаларда тараққий этган маданият ўчоқлари мавжуд бўлган. Бу ўлкаларда ҳаёт қайнаган, ҳунармандчилик, деҳқончилик, фан ва маданият равнақ топган, такрорланмас ўзига хос ажойиб удум ва анъаналарига эга бўлган.

Осиёнинг мазкур маданият ўчоқлари ўртасида қадимги (милоддан аввалги IV-III асрлар) Буюк ипак йўлларидан савдо-сотиқ карвонлари тинимсиз қатнаб турган, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳам ўзаро узвий иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўрнатилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтмишдаги маданий алоқалар туфайлигина нафақат Осиё, балки улкан Евросиё қитъаси халқларининг байрами, урф-одатлари-ю анъаналарида умумий ўхшашликлар таркиб топди.

Қадимги аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маросим ва удумлардан баҳор фаслига уйғунлашиб кетган оммавий байрамлар, урф-одатлар дунё халқлари ҳаётида энг кўп учрайди ва муҳим ўрин тутади, десак муболаға бўлмайди. Рус, славян ва литваликларнинг «Қишни кузатиш, Баҳорни кутиб олиш калити», «Масленница» (мазмуни: қишни кузатиш байрами), грузинларнинг «Берикаоба», мўғул, бурят ва қалмиқларнинг «Цагалган», туркий халқларнинг «Наврўз», молдаван, болғар ва руминларнинг «Мэрцишорул», Шимолий Кавказ ва Кавказ орти халқларининг «Биринчи омоч» ёки «Ер ҳайдовчининг қайтиб келиши», татарларнинг «Сабантўй» каби байрамлари шулар жумласидан ҳисобланади.

Рус қиши деб номланадиган масленица қадимда чорвадорлар байрами бўлиб, у ой тақвими бўйича йилнинг яъни қишнинг тугашига бағишланган. Унда деҳқон, чорвадор ва балиқчиларнинг ҳаёт тарзи ўз аксини топган. Эндиликда янги мазмун билан бойиган бу маросимда анвойи ширинликлар, таомлар, турли парранда, ҳайвон ва ҳар хил шакл-шамойиллар акс этган унли пиширикдар, уч от қўшилган чанада сайиллар ўйин-кулги билан нишонланади. Қишлоқларда «Рус қишини кузатиш» баҳорги юмушларга тайёргарлик кўриги — байрами тариқасида ҳам тантанали кутиб олинади.

Цагалган турли анъанавий кўнгилочар ўйинлар, ҳазил-мутойибалар, турли мусобақалар, қизиқарли халқ намойишлари билан ўтказилади. Бу маросим эски йилнинг тугаши, Янги йилнинг бошланишига оид бўлган оммавий тадбир бўлиб, шарқий осиёликларнинг Ой-Ер-Қуёш ҳаракатига асосланган ва йилнома тақвимидан мустаҳкам ўрин олган. Мўғул халқларининг қадимий одатларига кўра Ой тақвими бўйича Янги йилнинг биринчи кунига чуқур ҳурмат билан қарашганки, бунга асосий сабаб, бу кунни ўтмишнинг барча мусибатлари ва ғамташвишлари билан ғайр-маъзур қилиш куни деб тасаввур этганлигидадир. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. XII асрда Мўғулистонда бўлган машҳур венециялик сайёҳ ва савдогар Марко Поло шуларни ёзади: «Йил уларда февралда бошланади (1991 йилни ҳам мўғул ва хитойликлар февраль ойининг ўрталарида нишонлашди — А. С.). Одатларига кўра бу кун эркаклар ҳам, аёллар ҳам оқ кийим кийишади. Уларда оқ кийим бахт нишонаси, шу бонс бутун йил давомида бахт-саодат ва хотиржамлик бўлсин деб оққа ўранадилар. Вилоят ҳокими ва рицарлар (феодализм давридаги ҳарбий-заминдорлар табақасига мансуб кишилар — А. С.), умуман барча кишилар бир-бирларига оқ нарсалар ҳадя қилишади, қучоқлаб ўпишишади, хурсандчилик, ўйин-кулги бўлади, турли таомлар истеъмол қилишади...»

Дарҳақиқат бурят, мўғул ва қалмиқ халқларида Цагалган нафақат Янги йилни кутиш маросими, балки сутли таомлар байрами ҳамдир. Масалан, соф сутли маҳсулотлардан нон ва турли пиширикдар тайёрланади. Шунинг учун ҳам тантанали нишонланадиган цагалган (мўғулча саган-сар) бахт-саодат ва хотиржамлик тимсоли бўлган «Оқ ой» маъносини билдиради. Ҳозирда цагалган табиатнинг туғилиши, баҳорнинг — Янги йилнинг кириб келиши, шоду хуррамлик ва меҳнат байрами тариқасида кенг нишонланмоқда.

Қадимда молдаван, булғор ва руминлар оммавий байрам-мэрцишорулни табиатнинг баҳорги уйғониш кунига ғишлаб нишонлаганлар. Деҳқонлар мўлкўл ҳосил бўлишини назарда тутиб, бу маросимни тантанали ўтказишган. Эндиликда Молдова жумҳурияти аҳолиси мэрцишорул байрамини 1 март куни — баҳорнинг кириб келиши билан бир-бирларини самимий табриклашади, жўшқин ўйинлари, ранг-баранг кийимлар кийишиб маданият ва санъат куни тариқасида ҳам кенг нишонлашади.

Баҳорги тенг кунлик пайтида (21-22 март) доғистонликлар «Биринчи омоч» ёки «Омочнинг далага чиқиш» байрами, Шимолий Кавказ ва Кавказ орти халқларида ҳам «Ер ҳайдовчининг қайтиб келиши» номи билан қизғин нишонланади. Маросимда ҳамма иштироқ этади, қизиқарли кўнгилочар ўйинлар бўлади, хилма-хил таомлар тайёрланади.

Қадимда Волгабўйида, айниқса татарлар сабантўй (туркча байрам ёки ўтўсимлик ва омоч тўйи деган маънони англатади) байрамини ўзига хос миллий рамз билан даладаги баҳорги ишларнинг тугашига, меҳнат байрамига бағишлаб тантанали ўтказадилар. Унга ҳамма тайёрланади, кишилар куч синашади, ўзларининг ботир, ихчам ҳамда уддабурон эканликларини намойиш қилади. Энг оммавий мусобақа — миллий кураш бўлади, от, велосипед, мотоцикл пойгалари ташкил этилади. Барчага маъқул қизиқарли беллашувлар, яъни тухум қўйилган қошиқни оғизда тутиб маълум масофага чопиш, лиммо-лим тўлдирилган челакдаги сувнинг бир томчисини ҳам тўкмасдан чопиш, китоб ўқиш, ўйин ва ашула айтиш каби тадбирлар бўлиб ўтади.

Баҳор фаслининг кириб келишини қутиб олишга тааллуқли бўлган барча урф-одатлар орасида Наврўз шакл ва мазмунан алоҳида ўрин тутади. Наврўз кишиларни табиатга яқинлаштирган, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорликни акс эттирган халқимизнинг ажойиб ва ноёб маданий-маънавий меросидир.

Ўрта Осиё халқлари тақдирига чамбарчас боғланган Наврўз байрами халқимизнинг она табиатга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати рамзи тариқасида, табиатнинг уйғониши ва қишлоқ хўжалик ишларининг бошланишига бағишлаб оммавий тусда тантанали нишонланмоқда. Жумладан, баҳор келиши орзиқиб кутилади, дастлабки гулларнинг униб чиқиши ҳушчақчақлик билан қарши олинади, ризқ-рўзимиз учун она-ерга алоҳида меҳр билан ишлов берилиб уруғ қадалади, мевали ва мевасиз дарахтлар ўтқазилади, қўйлар қўзилайди, қўзичоқларнинг маърашига қир-адирларда чопаётган шўх ва жўшқин болаларнинг қий-чувлари уланиб кетади...

Мевали дарахтни кишилар қадимдан эъзозлашган, мавжудод тариқасида талқин қилишган ва у мўл-кўлчилик, ҳосилдорлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат рамзи бўлиб келган. Шунинг учун ҳам қадимдан шу кунга қадар Наврўз кунлари кўчат ўтқазиш маросими канда бўлмаяпти. Бу йил ҳам жумҳуриятимизнинг барча шаҳар, қишлоқ ва далаларида кўчат экиш ҳайрли иш тариқасида Наврўз арафаси ва ундан сўнг ҳам амалга оширилади.

Наврўз кунлари хилма-хил таомлар, пиширикдар тайёрланади, турли мусобақалар, ўйин-кулгилар, дорбозлар, санъат намояндалари, аскиячилар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Айниқса Тошкент шаҳрида баҳор байрами — Наврўз ўзининг барча тароватини кўз-кўз қилади.

Наврўзи олам ва унинг арафасидаги СССР референдуми муносабати билан барчага сиёсий-ижтимоий фаоллик, жасоратли бўлишларини, бир-бирларига мунис ва меҳрибон бўлишларини истайман. Янги йил — Қўй йили ҳаммамиз учун тўкин-сочин маҳсулотли, бахт-саодатли йил бўлсин!

Абдурасул СОАТОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни жўғрофия кулliётининг ўқитувчиси.

ПСКОВ. Филюшинлар оиласи уч ўғилларн ёнига болалар уйидан яна беш нафар етим болаларни ўз қарамоғларига олишди. Юрий Николаевич ва Вера Ивановна бўш вақтларини кичкинтойлар тарбиясига сарфлашяпти.
СУРАТДА: Вера Ивановна ошхонада ўз фарзандлари билан.

СИТА сурати.

БИЗНИНГ КЎЧАТДАН ЭКИНГ, ЯНГЛИШМАЙСИЗ

Р. ШРЕДЕР НОМЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК, ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ МАҲМУД МИРЗАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Ҳурматли Маҳмуд Мирзаевич, узоқ вақтлар жонажон ўлкамизда пахта яккаҳокимлиги ҳукмрон бўлиб келди. Шундай даврлар ҳам бўлдики, мевали боғлар қўпориб ташланиб, ўрнига бошқа экинлар экиб юборилди. Мана энди жамиятда бўлгани каби табиатда ҳам аста-секин мутаносиблик ва барқарорликка эришилмоқда.

— Ҳа, ҳокимиятни бюрократик усулда бошқариш инсонларгагина эмас, балки замин-у замонга ҳам таъсир этиб, ўз асоратини қолдирди. Буларнинг барчаси иқтисодий занфлик томон юз тубан тушишимизга сабабчи бўлди. Биргина мисол: жумҳуриятимиз бўйича минглаб гектар майдонларда хўраки узумлар қатори винобоп узумлар ҳам ўстирилар эди. Спиртли ичимликларга қарши кураш ҳақидаги қарор чиққач ҳеч суриштирилмай винобоп узумзорлар қўпориб ташланди. Заводлардаги вино тайёрлайдиган ускуналар йўқотилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўтказилган анжуманда Ўзбекистон виноси бир вақтлар жаҳон бозорида юқори баҳоланганн ҳақида гапирилди. Ҳозир ҳам кеч эмас, ўзбек виноси довруғини яна оламга ёйиш мумкин. Бу иқтисодий аҳволимизни яхшилашга хизмат қилади, албатта.

Бугунги кунда жумҳуриятимиз раҳбарияти адолатли иш тутиб боғу роғларни янада кўпайтириш режаларини белгилаб берди. Янги барпо этилаётган боғларга эса мева-чевалларнинг ҳосилдор, эртапишар навларини экиш лозим бўлади.

— Жумҳуриятимиз Президентининг «Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги фармонида, ҳар бир фуқаро улуғ айём келгунча ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатмоғи лозимлиги баён этилган. Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа бу байрамга қандай тайёргарлик билан келмоқда?

— Менинг назаримда «Наврўзга тайёргарлик она заминга бир туп ниҳол ўтказишдан бошланади. Чунки кўчат эккан одам келажакка, элига бўлган меҳрини билдиради. Шу эзгу мақсадни кўзлаган жамоамиз бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик билан келди: 11 миллионга яқин мева кўчатлари, 17,5 миллион дона ток ҳамда атиргул кўчатлари буюртмачи ва аҳолига сотиш учун тахт қилиб қўйилди. Улар кўчат экиш ойлигини муваффақиятли ўтказиш мақсадида Тошкент гуллари фирмаси орқали ҳамда бирлашма томонидан мавсумий ташкил этилган дўконларда сотилади.

Хўжаликларда ҳамда шахсий томорқаларда боғлар яратиш вақтида шуни унутмаслик керакки, кўчат бир марта экилиб, узоқ йиллар ҳосилини олиш мўлжалланиб ўтказиладиган тадбирдир. Унинг учун экиладиган кўчат нави аниқ ва соғлом бўлиши керак. Айниқса, мева ва узум кўчатлари экилганда бунга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

— Шахсий томорқалар ҳақида гап очганингиз дуруст бўлди. Айниқса, жумҳурият Президенти Фармони билан аҳолига берилган ерларда бошқа экинлар қатори мевали дарахтлар ҳам экилиши табиий. Афсуски, шахсий уйлар қурилаётган участкалардаги ерларнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас. Сиз уларга бу борада қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

Ҳонадони обод ва кўркам бўлишини ҳар ким ҳам хоҳлайди. Лекин баъзи ҳолларда қурилиш билан овора бўлиб кўчат экишни унутиб қўямиз. Ўзбек хонадонларида ернинг маълум қисмига иморат солинса, қолган жойга мева-узум ва бошқа экинлар экилади. Қурилиш материаллари танқис бўлган ҳозирги вақтда иморат солиш ишлари 2—3 йилга чўзилиб кетади. Ишни кўчат экишдан бошлаган кишининг оғзи тезда мевага тегади. Чунки ҳозирги кўчатларимиз иккинчи йилнинг ўзидаёқ нишона кўрсатиб ҳосилга кирмоқда. Хонадонларга олманинг «Симиренко», «Тошкент боровинкаси», «Самарқанд тўғничи», нокнинг «Подарок», «Вильямс», «Ўрмон гўзали», узумнинг ҳусайни, пушти тойфи, нимранг, қора кишмиш, оқ кишмиш навларини экишни тавсия этамиз.

— Маҳмуд Мирзаевич, қадимда ўзбек оиласида фарзанд туғилганда 21 дона терак экиш урф бўлган. Бизнинг кунларга келиб бу одатнинг қиммати йўқолмадими?

— Ўзбек хонадони қадимқадимдан ўзининг файз-таровати, соя салқинлиги, мева-чевалларга сероблиги билан машҳур бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Лекин кўча юзидаги ариқ бўйларига терак экишга кейинги вақтларда етарли эътибор берилмаяпти. Нима учун фақат 21 дона терак экилишига келсак, бунинг ўзига хос маъноси бор. Йигит балоғатга етгунга қадар тераклар ҳам етилади. Ўзбек хонадонида қадимдан бир уй бир айвон тарзида иморат қурилган. Ҳар бир хона етти дона тўсин билан ёпилган. Шунга кўра икки хона, бир айвон учун йигирма бир дона тўсин керак бўлган. Терак — халқ турмушига керак, деган ибора бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам қурилиш материаллари тақчил бўлган шу кунларда экин экилиши қийин бўлган ерларга тераклар ўтқазиш мақсадга мувофиқдир.

Жумҳуриятимизда бу йил 30 минг гектар, яъни 10 минг гектар узумзор, 20 минг гектар ерда мевали боғ яратилиши лозим. Жумҳуриятимиз бўйича тайёрланган кўчатлар эса 45 минг гектар майдонда боғ-роғлар барпо қилиш учун етади. Хўжаликларда, хонадонларда мевазорларни кўпайтириш хайрли ишдир.

Халқимиз дастурхонини арзон ва сифатли меваларга сероб қилиш ҳар бир соҳибкорнинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Бунинг учун эски боғларни вақт ғаниматида олиб ташлаш, ўрнига тез ҳосилга кирадиган кўчатлардан боғ яратишга жадал киришиш лозим.

Бу йил биз аҳолини кўчат билан етарли таъминлашга аҳамият бердик. Етиштирилган мева кўчатларининг 4 миллион тупи шахсий участка эгаларига сотилмоқда. Бу тадбирлар янги хонадонларга берилган ерлардан самарали фойдаланиш имконини беради, деб ўйлайман.

—Кейинги вақтларда боғбонлар орасида мева, айниқса, узумларнинг қадимги — катта қўғон, оқ чиллаки, хўжахройи каби навларн камайиб кетганлиги, борларн ҳам касалликларга бардошсиз эканлиги ҳақида гапиришмоқда.

— Ҳақ гап. Илгари янги топилган у, ёки бу мева навини районлаштириш учун марказнинг рухсати керак бўларди. Бунинг устига кўпинча бизнинг иқлимий шароитлар ҳисобга олинмай хулоса чиқариларди. Ҳозирги кунда мева ва узум навларини планлаштириш бирлашма ихтиёрига берилди. Ҳукуқимиз тикланган, узумнинг «Даройи», «Сурхак» (китоби), «Соҳиб», «Гўзал қора» ҳамда «Ризамат» каби навларидан сифатли кўчатлар тайёрлашга киришдик.

— Сув чиқиши қийин бўлган адир ва тоғ ён бағирларида барпо этилган боғларни томчилатиб суғориш усули топилган эди. Бу усул ҳозирги кунда қандай самара бермоқда?

— Ўтган йили жумҳуриятимизда 29 минг гектар боғ яратилди. Шундан 9,5 минг гектари узумзор. Жиззах, Фарғона вилоятларида, Тошкент вилоятининг Паркент ҳамда Бўстонлиқ ноҳияларидаги боғлар асосан томчилатиб суғорилмоқда. Бу усул биринчидан арзон бўлса, иккинчидан 40 фоиз ҳажмдаги сув тежаб қолинади. Энг муҳими — тупроқнинг донадорлиги сақланиб, нурамайди.

Хулоса қилиб айтсак, биз фақат ташкилот ва идораларнингина эмас, балки уйларида боғ ўстирмоқчи бўлган кишиларга ҳам мадад беришга тайёрмиз. Бунинг учун бирлашманинг вилоят бўлимларн қошида боғдорчилик бўйича маслаҳат берувчи мутахассислар фаолият кўрсатишмоқда.

— Қимматли маслаҳатларингиз учун ташаккур.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Шодиёна

Баҳор келиши билан табиат гул-чечаклар билан безангани каби, одамлар чеҳраси ҳам севинч-қувончдан гулгун очилиб кетади. Табиатнинг уйғониши, бутун борлиқ яшиллик билан қопланиши, сайроқи қушларнинг хонишн ҳар юракда ширин ҳис-туйғулар, яхши ният-орзулар чашмасини жўш урдириб, ҳаёт ва яшашга меҳру муҳаббат билан ундайди. Наврўз — Янги йил, янги кун бошланиши билан шаҳримизда яшаётган турли миллатлар шодлик-қувончга тўлиб табиат байрамини ҳамкор-ҳамдам бўлиб, нишонлайдилар. Табаррук бу кунда ҳар бир миллат ўз санъатини, куй-қўшиқларини ва рақсларини намойиш этиб, дилларни завқ-шавққа тўлдирадилар.

Бугдой ундирилиб, кўм-кўк майсаларидан сумалак пиширилиш эса кўнгилни кўнгилларга туташтиради. Тун билан дошқозон атрофига тўпланиб Наврўз қўшиқларини айтиш, доира чалиб рақсларга тушиш нақадар завқли, нақадар нашъали бўлади. Ўтган йил Наврўз шодиёналарида олинган бу лавҳалардаги кўнгилочар тадбирлар яқинлашиб келаётган 21 мартда янада жозибали ва фусункор бўлишига шубҳа йўқ.

С. Маҳкамов суратлавҳалари.

Советлар мамлакатида

БАҲОДИР ЎН ТОННА ЮКНИ КЎТАРАДИ

МОСКВА. «Строймаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Северянин» заводида кўплаб ишлаб чиқарила бошланган янги КБ—408 минорали кран кўп қаватли уйлар қурилишда жуда қўл келади. Янги кран 10 тонна оғирликдаги қурилиш материалларини ва конструкцияларини 62 метргача баландликка чиқариб беришн ёки бир жойдан олиб шу баландликдаги бошқа жойга қўйишн мумкин. Бу йил жамоа 260 та ана шундай кран тайёрлашни режалаштирмоқда.

ШИФОБАХШ ШИППАК

ГОМЕЛЬ. Гомель дўконлари пештахталарида сотила бошланган одатдан ташқари шиппакларни пойабзалчилар эмас, балки олимлар яратишди. Резинадан тайёрланган бу пойабзал одатдагидан оғирроқ. Унинг ўзига хослиги шундаки, пойабзал остига оёқ тагидаги биологик фаол нуқталарга таъсир ўтказувчи магнит аппликаторлар ўрнатилган. Бу кўпгина сурункали касалликларнинг анча енгилроқ кечишига ёрдам беради. Шифобахш пойабзални ишлаб чиққан БССР Фанлар академияси механика ва металл-полимер системалар илмгоҳининг олимлари ва кимёгарлар бундай пойабзал айниқса гипертония билан оғриган ҳамда таянч-ҳаракат аппарати касалликларига чалинган одамлар учун керак, деб ҳисоблашмоқда. Гомель кимёвий буюмлар заводи янги шиппакларни тайёрлашни ўз зиммасига олди.

ҲУЖРАДА НИМА БЎЛСА, ПЕШТАХТАДА ҲАМ УША

ТОЛЬЯТТИ. Маҳаллий халқ депутатлари молларни яширib қўйишга қарши кураш бошладилар. Улар дўконларда бу ерга олиб келинган моллар рўйхатини осиб қўйишни талаб қилдилар. Энди харидорлар дўконга қандай мол келгани тўғрисида тахмин қилишга ҳожат йўқ. Шаҳар озиқ-овқат комиссияси базадан олинган ҳамма моллар рўйхатда кўрсатилишини назорат қилиб туради.

СТАНДАРТГА ИНТИЛИБ

ЛЕНИНГРАД. Давлат ўлчовлар бирлиги бош марказининг вазифаси мамлакатда метрология таъминотини яхшилашдан иборатдир. Бу марказ Ленинграддаги «Менделеев номли Бутуниттифоқ метрология илмий-текшириш илмгоҳи» бирлашмаси негизида ташкил этилди. Бу ерда физик катталиклар бирликларн бошланғич давлат эталонларининг 140 дан зиёд турн сақланади. Стандарт намуналар СССРда фойдаланилаётган бир миллиардлан кўпроқ ўлчаш восталарининг метрология жиҳатидан тўғрилигини таъминлайди.

ДАЛАГА ПАСПОРТ НИМА УЧУН КЕРАК

БЕЛГОРОД. Белгород вилоятн хўжаликларн далалар ҳосилдорлигини янада ошириш йўлларини фан билан Иттифоқда излашмоқда. Мутахассислар ерга солинадиган минерал ўғитларнинг оқилона миқдорн ва тупроқнн бўр билан ўғитлаш юзасидан тавсияномалар беришди. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш вилоят станциясининг ходимларн далаларнинг деҳқончилик-кимё паспортларини ҳамда харита-схемаларини ишлаб чиқдилар. Бу йил бир қанча жамоа ва давлат хўжаликларида ерни бўр билан қатлам-қатлам ўғитлашдек самарали усулдан фойдаланилади. Режалаштирилаётган ҳосилдорлик билан комплекс агрохимик маданийлаштирилаётган майдонлар алоҳида тонфага ажратилди. Амалиётнинг кўрсатишича, бундай майдонларда донли экинларнинг ҳосилдорлиги одатдагидан 4-5 центнер юқори бўлади.

ЎҚИШ УЧУН ФИНЛЯНДИЯГА

ПЕТРОЗАВОДСК. Карелиянинг Финляндия чегараси яқинидаги Вокнаволок қишлоғида яшовчи деҳқонларнинг ўз ерларига эга бўлиш тўғрисидаги орзуларн ушалди. Дастлабки 13 оила ерга эгалик қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни олишди. Қўшни Финляндиянинг Оулу губерниясидагилар шимолда хутор хўжаликларини тиклаш гояснга катта қизиқиш билдиришди. Улар Вокнаволокдан бир гуруҳ деҳқонларни Финляндиядаги қишлоқ хўжалиги мактабида ўқишга таклиф қилдилар. Бу ерда махсус техника фонди ташкил этилди. Бу фондга ўтказилган техника карелиялик бошловчи фермерларга бепул берилади. Бизнинг мамлакатимизда бу фермерларга шу ерга яқин жойлашган Костомушка шаҳридаги кон-бойитиш комбинати катта ёрдам бермоқда. Бу корхона деҳқон хўжаликларн эҳтиёжларн учун йўл қурилишининг ўзига сакиз миллион сўмдан кўпроқ пул ажратди.

МУСТАҚИЛ ТЕЛЕКОМПАНИЯ

ПЕТРОПАВЛОВСК — КАМЧАТСКИЙ. 28 февралдан бошлаб вилоят марказининг кўпгина аҳолиси телевиденне орқали берилаётган хабарларнинг аксарнятини «Время» программаси бошланишидан олдин қабул қилиши мумкин бўлади. Бу ерда ТВК (Камчатка телевиденнеси) мустақил телекомпанияси иш бошлади. Телекомпания ўз ишида етакчи совет ахборот агентликларн билан телетайп алоқасидан ва халқаро янгликларни қабул қилувчи йўлдош телевидение системасидан кенг фойдаланади.

БАСТАКОР ФЕСТИВАЛИГА

ПЕРМЬ. Сергей Прокофьевнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган фестиваль буюк рус бастакорининг «Ромео ва Жульетта» балети билан бошланди. Пермга СССР давлат академик катта театридан, С. М. Киров номли Ленинград давлат академик опера ва балет театридан солистлар, Белоруссия ва Грузиядан артистлар тўпланди.

(СИТА).

Шаҳримиздаги мактабларнинг кўпчилиги қардош Қозоғистоннинг Чимкент вилояти мактаблари билан қардошлик алоқаларини боғлашган. Яқинда жумҳуриятимиз пойтахтидаги бир гуруҳ ўқувчилар 25-ўрта мактабнинг музейида бўлишиб, у ердаги дўстлик кечасида иштирок этишди.

СУРАТЛАРДА: бир гуруҳ ўқувчилар мактаб музейида.

Р. Альбеков суратлари.

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

БУ ўйингоҳда бундан икки йил муқаддам бўлгандим. «Средазкабель» ишлаб-чиқариш бирлашмаси ишчилари учун қурилаётган спорт-соғломлаштириш марказининг аҳволи икки йил аввал қандай бўлса ҳеч ўзгармасдан шундайлигича турибди. Қизиқ, 1986 йилда бошланган бу қурилишни узоғи билан 1,5-2 йил ичида қуриб беришни ўз зиммасига олган азамат қурувчиларнинг ваъдалари қаерда қолди экан? Ҳаммасидан ҳам қурилиш майдони ўрнида бўлган олдинги ўйингоҳга ачинасан, киши. Ахир шу ўйингоҳ эмасмиди, кўпчилик ёш иқтидорли футболчиларга катта футболга йўлланма берган?

ЮЗ МЕТР ЮГУРИШГА 5 СЎМ ЧЎЗАСИЗ

Буларнинг ҳаммаси ҳали ҳолва, энди бу ёғини эшитинг. Эрталаб соат 9 да ўйингоҳ маъмурлари билан учрашиш мақсадида белгиланган жойга етиб бордим. 10-15 та одамнинг мухлислар ўтирадиган жой олдида тўпланишиб юрганини кўриб, аввалига шу ерда ишлайдиган ишчилар деб ўйладим. Йўқ, умуман бошқалар бўлиб чиқди. Бир маҳал ҳалиги кишилардан иккови ҳе йўқ, бе йўқ, муштлашиб кетишса бўладими.

Бир оздан сўнг ўйингоҳнинг ўнг томонида узун-қисқа бўлишиб, 17-18 ёшлардаги йигитчалар пайдо бўлишди. Улар кетидан бир аёл ҳам ўйингоҳнинг дарвозаси ёнига келди. «Қани йигитлар, ҳамма келдими» дея йўқлама қилган бўлди. Йигитлардан биттаси, Андрей келмаяпти, назаримда электричка кечиккан бўлса керак, деган жавобни берди.

— Бўлмасам ҳозир 20 дақиқа мобайнида ўйингоҳ атрофида югурасизлар, — деди аёл. Йигитлар қатор туришиб, эгниларидаги қалин кийимларини ҳам ечмасдан ўйингоҳ атрофида югура бошлашди. — Қурилиш майдончасига яқин борманглар, йиқиласизлар. Ҳар хил майда тошлар, шиша синиқлари кўп, —дея эслатиб қўяди ўқитувчи.

Маълум бўлишича, бу аёл Тошкент электр-механика техникумининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, СССР спорт устаси Тамара Ивановна Катаева экан.

— Шу ўйингоҳни ижарага олганмиз, — дейди у ачиниб. Қошкийди, бу ерда шароит бўлса. Бирлашма маъмурларига буни неча марталаб эслатган бўлсам ҳам парволари палак. Индашмайди. На ечиниб кийинадиган хоналаримиз бор, на бошқа шароитлар. Яна қанча тўлайсиз деб сўранг. 100 метр кросс югурсанг соатига 5 сўм чўзасан. Қани бу ерда югуриш йўлкалари — асфальтдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Мана бу дарвоза орқасидаги майдончани минифутбол билан шуғулланасизлар деб бериб қўйишди. Ҳеч майдончага ўхшамайди. «Катта яшил майдонда ҳам машқ ўтказасизларми» деб сўрагандим, «Машқ ўтказиш у ёқда турсин қадамимизни ҳам бостиришмайди», — деган зардали жавобни олдим.

— Юринг, энди билимгоҳимиз ихтиёридаги спорт ва соғломлаштириш нуқталари билан танишамиз, — деди Т. Катаева.

Билимгоҳ ётоқхонасининг биринчи қаватида ҳажми 8х4 метр қилиб ишланган стол тенниси, гимнастика, тош кўтариш билан шуғулланиш хонасига кирдик. Ҳозир болалар кросс югуриб бўлгач тўғри шу ерга келишади.

— Бу ерда нима билан шуғулланишади? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Стол тенниси ўйнашлари, тош кўтаришлари мумкин. 1600 ўқувчимиз бўлса, спорт залимизда ҳамма ҳам шуғулланиш имкониятига эга эмас.

Спорт залига навбат келди. Бу зал кўринишидан гимнастика залига ўхшайди. Анча йил олдин қурилган. Ўшанда билимгоҳда бор-йўғи 300 та ўқувчи таҳсил оларди. Тўғриси, мен бу зални спорт зали сифатида қабул қила олмадим.

Борига шукр қилиб яшаяпмиз, ачинарли жойи шундаки билимгоҳ ўзига замонавий ҳар хил шароитлари бор спорт залини қуриш имкониятига эга эмас. Уни қуриш учун майдон йўқ. Бир томонимиз турар жой уйлари, бир томонимиз ўйингоҳ. Алоқа билимгоҳига борганимда улардаги спорт залини кўриб ҳайратлангандим. Афсуски, шаҳримиз билимгоҳлари ичида ягона шу илм даргоҳигина шундай спорт залига эга. Шароитимиз ёмон бўлсада ўқувчиларимиз шаҳар билимгоҳлари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда яхши ўринларни эгаллашга ҳаракат қилиб келишмоқда, — сўзида давом этди Тамара Ивановна. Биргина стол теннисини олиб кўрайлик. Неча йилдан бери биринчимиз. Баскетболчиларимиз бу йил иккинчи бўлишди. ГТО кўпкураши бўйича қатнашган ўқувчиларимиз ҳам шу натижани такрорлашди. Ритмик гимнастика тўгарагини очишимизга кўпчилик қарши чиққанди. Ким билади ўшанда ўзимиз қаттиқ туриб бу тўгаракни очганимизда бугунги қувончлар қаерда эди, дейсиз. Ахир қувонмасдан бўладими, қизларимиз Донецк шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ ўйинларига бориб нуфузли ўринлардан бирини эгаллаб келишди.

Ҳа, айтаверсак гап кўп. Лекин Тамара Ивановна ва унинг издошлари баҳоналарни рўкач қилиб қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Улар худди игна билан қудуқ қазигандек жуда оғир шароитларда ишлаяптилар. Қани энди уларни ҳамма ҳам тушунса. Бу гап айниқса, «Средазкабель»дагиларга тааллуқли. Ўйингоҳни таъмирлашда яқиндан ёрдам кўрсатаётган шу билимгоҳ талабалари эмасми?

... Ўйингоҳдан ёмон кайфиятда чиқиб келяпман. «Ҳой йигит, сигаретинг борми?», деган қўпол гап қулоғимга чалинди. Орқамга қарадим. Оёқларида зўрға турган амаки қўлини узатиб турарди...

М. АБДУЛЛАЕВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИ

ЖУМҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ноозиқ овқат (саноат) товарлари сотувчиси ва контролёр кассир;
озиқ-овқат моллари сотувчиси ва контролёр-кассир;
қандолатчилик ва ошпазлик;
музқаймоқ ишлаб чиқариш;
декораторлар (ўқиш муддати 2 йил);
газ-сув автоматларини тузатувчи (ўқиш муддати 11 ой);
бухгалтерлар (ўқиш муддати — 1 ой).

Сотувчи ва контролёр кассир, ошпазлик ва қандолатчилик ихтисослари бўйича ўқиш муддати — 3 ой, 6 ой ва 8,5 ой:

Курсни битирганларга гувоҳнома ва дипломлар берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎПЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қошида ётоқхоналар мавжуд.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй (13, 70, 116«э»-автобусларнинг «Тез ёрдам клиникаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси

12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

НАҚШ СОЛУВЧИ БУЁҚЧИ (миллий нақш, гул солиш, пуллик).

БУЁҚЧИ — СУВОҚЧИ —ГУЛ ҚОҒОЗ ЁПИШТИРУВЧИ.

ҒИШТ ТЕРУВЧИ ВА ЙИҒМА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ МОНТАЖЧИСИ.

ДУРАДГОР — ЁҒОЧ УСТАСИ (пуллик).

ДУРАДГОР — ПАРКЕТЧИ ОЙНАСОЗ.
ГАНЧ-ЎЙМАКОР МЕЪМОРЧИЛИК ҚИСМЛАРИНИ ЁПИШТИРУВЧИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ

9-синф маълумоти билан 2 йил.
11-синф маълумоти билан 1 йил.
11-синф маълумоти билан армиядан сўнг 6 ой.

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ҲАЙДОВЧИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ

9-синф маълумоти билан 2 йил.
11-синф маълумоти билан 1 йил.
11-синф маълумоти билан армиядан сўнг 6-ой.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржимаи ҳол, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, характеристика (мактабдан), яшаш жойидан справка, 6 дона (3х4 см) фотосурат, медицина справкаси (286-форма).

Бизнинг манзилгоҳ: 700131, Тошкент шаҳри, А. Икромов ноҳияси, 26-мавзе, 1-уй, (187-автобуснинг «12-мавзе» бекати, 4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекати). Телефонлар: 72-88-13, 72-88-13.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

27-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ЁҒОЧСОЗЛИК СТАНОКЧИСИ — ўқиш муддати 1 йил,
ДУРАДГОР — ўқиш муддати 2 — 3 йил.
БАДИИЙ ВА МОДЕЛЛИ МЕБЕЛЬ ДУРАДГОРИ — ўқиш муддати 2 — 3 йил.
ҚУРУВЧИ ДУРАДГОР — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

ЖИЛВА БЕРИШ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА БУЁҚЧИ — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

ПАРДОЗЛОВЧИ, ПЛИТА ЁТҚИЗУВЧИ — МОЗАИКАЧИ — ўқиш муддати 2 — 3 йил.
ТИКУВЧИ — ОПЕРАТОР — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ 1990 — 91 ЎҚУВ ЙИЛИДАН ТАЖРИБА (экспериментал) ИШ РЕЖАСИГА ЎТИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЖРИБА (экспериментал) ГУРУҲЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

9 синфни «яхши» баҳолар билан тамомлаган ўқувчилар шу тажриба (экспериментал) гуруҳларига қабул қилинади.

Билим юрти қабул комиссияси ўқувчилар билан 20 июндан 1 июлгача суҳбат ўтказади. Суҳбатдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар билим юртига муддатидан олдин қабул қилинади, шу ўқувчилар 25 августда она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Билим юрти тажриба гуруҳини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан тугаллаган ўқувчилар билим юрти қошидаги ўрта-махсус (техникумга) ўқишга қабул қилинадилар.

Билим юртига 9, 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. 2—3 йиллик ўқишни тугаллаганларга ўрта маълумот ҳақидаги аттестат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

27-ҳунар-техника билим юрти, янги, замонавий бинога жойлашган, шунингдек билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган.

Спорт комплексида бокс, кураш, кара-тэ, таэквон-до, шахмат, шашка, волейбол секциялари ишлайди.

БИЛИМ ЮРТИДА ВИДЕОФИЛЬМ ХОНАСИ ИШЛАЙДИ.

Билим юрти бошлиғи номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота ёки онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат, 3х4 см, 086/у формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Спутник, 4 мавзе, (19-троллейбус ва 58, 75, 98, 40-автобусларнинг «27-билим юрти» бекати).

«Тошкентсаёҳ» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмаси
ҚУЙИДАГИ САЁҲАТ ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

МИНСК, 11-15 март. Баҳоси — 263 сўм.
ОДЕССА, 11-15 март. Баҳоси — 217 сўм.
ЯЛТА («Евпатория» меҳмонхонаси), 10-30 март. Баҳоси — 615 сўм.
ЛЕНИНГРАД («Интурист»), 18-22 март. Баҳоси — 385 сўм, 18-22 март. Баҳоси — 408 сўм.
ЛЕНИНГРАД, 23-27 март. Баҳоси — 350 сўм.
ЯЛТА («Евпатория» меҳмонхонаси), 30 март — 19 апрель. Баҳоси — 615 сўм.
ТАЛЛИН—НАРВА—ЛЕНИНГРАД, 13-17 март. Баҳоси — 370 сўм.
МОСКВА («Измайлово»), 25-29 март, 26-30 март. Баҳоси — 412 сўм.
МОСКВА, 7-10 март. Баҳоси — 350 сўм, 22-24 март. Баҳоси — 226 сўм, 23-25 март. Баҳоси — 226 сўм, 10-14 март, 17—21 март, 31 март-4 апрель. Баҳоси — 412 сўм.
ГРОДНО, 11-15 март. Баҳоси — 324 сўм.
ЛЕНИНГРАД, 21-25 март. Баҳоси — 318 сўм.
ВИЗУ—ЛЕНИНГРАД, 21-28 март. Баҳоси — 400 сўм.
ЛЕНИНГРАД—ПАЛАНГА, 11-19 март. Баҳоси — 458 сўм.
КИЕВ, 11-15 март, 14-23 март. Баҳоси — 302 сўм.
ЛЕНИНГРАД («Репино»), 19-28 март. Баҳоси — 637 сўм.
ДАГОМИС, 25-29 март. Баҳоси — 419 сўм.
ЛЬВОВ, 11-15 март, 18-22 март. Баҳоси — 365 сўм, 11-15 март, 18-22 март. Баҳоси — 365 сўм.
ВИЛЬНЮС, 11-15 март. Баҳоси — 378 сўм.
ОДЕССА, 8-11 март. Баҳоси — 271 сўм.
ДАГОМИС, 7-11 март, 9-13 март. Баҳоси — 419 сўм, 12-17 март. Баҳоси — 514 сўм, 16-20 март, 18-22 март. Баҳоси — 419 сўм.
Польша, 12—21 март. Баҳоси — 1.499 сўм.

АПРЕЛЬ ОЙИГА:

ВЕНТСПИЛС—РИГА, 1-7 апрель. Баҳоси — 370 сўм.
ШАУЛЯЙ, 21-25 апрель. Баҳоси — 358 сўм.
ВОЛГОГРАД, 24-28 апрель. Баҳоси — 282 сўм.
ЛЕНИНГРАД («Интурист»), 6-10 апрель. Баҳоси — 408 сўм.
ЛИЕПАЯ, 1-5 апрель. Баҳоси — 350 сўм.
ВОЛГОГРАД, 19-21 апрель. Баҳоси — 280 сўм.
ЛЬВОВ, 8-12 апрель. Баҳоси — 365 сўм.
ВИЛЬНЮС, 8-12 апрель. Баҳоси — 338 сўм.
БАРАНОВИЧИ (БССР), 28 апрель-2 май.
ТАЛЛИН, 22-26 апрель. Баҳоси — 350 сўм.
ЛЕНИНГРАД, 22-26 апрель. Баҳоси — 320 сўм.
ТБИЛИСИ, 4-8 апрель. Баҳоси — 280 сўм.
ТУАПСЕ, 14-28 апрель, 29 апрель-13 май. Баҳоси — 410 сўм.
КИЕВ, 2-6 апрель, 14-18 апрель, 26-30 апрель. Баҳоси — 312 сўм, 22 апрель-1 май. Баҳоси — 340 сўм.
ИГНАЛИНА, 21-29 апрель. Баҳоси — 370 сўм.
ЛЕНИНГРАД—ПАЛАНГА, 20-28 апрель. Баҳоси — 340 сўм.
ТАЛЛИН, 27-30 апрель. Баҳоси — 350 сўм.
ВИЗУ—ЛЕНИНГРАД, 10-17 апрель. Баҳоси — 419 сўм.
ЛЕНИНГРАД, 5-9 апрель. Баҳоси — 350 сўм.
ТАЛЛИН, 2-6 апрель. Баҳоси — 340 сўм.
ЛЕНИНГРАД—НАРВА, 21-28 апрель. Баҳоси — 360 сўм.
ГРОДНО, 15-19 апрель. Баҳоси — 324 сўм.
ДАУГАВПИЛС, 25-30 апрель. Баҳоси — 320 сўм.
МОСКВА, 20-22 апрель, 19—21 апрель, 6-8 апрель, 5-7 апрель. Баҳоси—221 сўм, 7-11 апрель, 14-18 апрель, 21-25 апрель, 29 апрель-3 май, 29 апрель-2 май, 30 апрель-3 май, Баҳоси — 412 сўм.
РЕЗЕКНЕ, 22-26 апрель. Баҳоси — 340 сўм.
ОДЕССА, 8-12 апрель. Баҳоси — 300 сўм.
ЕРЕВАН, 29 апрель-3 май. Баҳоси — 340 сўм.
ОДЕССА, 22-26 апрель. Баҳоси — 300 сўм.
КАЛИНИНГРАД, 15-19 апрель. Баҳоси — 340 сўм.
ХАРЬКОВ, 30 апрель-3 май. Баҳоси 300 сўм.
ТАЛЛИН, 27 апрель 3 май. Баҳоси — 340 сўм.
МИНСК, 29 апрель-2 май. Баҳоси — 320 сўм.

Тайёрада бориш-келиш ҳақи, овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати кўрсатиш ҳақи йўлланма қийматига киради.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69«а» уй («Пахтакор» метро бекати ёнида).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-11-97, 44-11-92.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ БОШ ШОХОБЧАСИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАЛАРИ

1991 ЙИЛ УЧУН

шартномалар тузишни давом эттирмоқда

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРДАН ДЕЗИНФЕКЦИЯ, ДЕРАТИЗАЦИЯ (уй ҳашоратлари, пашша, сувараклар ва сичқон-каламушларни) **ЙЎҚОТИШ ЮЗАСИДАН**

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

НОҲИЯ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ:

А. ИКРОМОВ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Ҳ. Турсунқулов кўчаси, 22-мавзе қаршисида. Телефон: 74-19-96 (75. 41 13-автобуслар; 13, 12-троллейбусларнинг «Москва остонаси» бекати).

БЕКТЕМИР НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Лихачев кўчаси, 48-уй (110, 99, 12-автобусларнинг «ЦБРСПТ заводи» бекати).

ҲАМЗА НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Октябрь 10 йиллиги кўчаси, 34-уй. Телефон: 91-53-48. (5-автобус; 29-йўналишдаги таксининг «Шумилов шаҳарчаси» бекати).

ЧИЛОНЗОР НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

«Аллея» боши берк кўчаси, 69-уй. Телефон: 45-37-41, 45-37-55. (3, 12, 7-троллейбуслар; 153, 11-э, 7-э, 95-тезюрар автобусларнинг «Ғ. Ғулом майдони» бекати).

СЕРГЕЛИ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

11-мавзе, Мардлик кўчаси, 56-уй. Телефонлар: 58-52-44. (75, 40, 58-э-автобуслар; 19-троллейбуснинг «11-мавзе» ёки «Меҳмонхона хўжалиги техникуми» бекати).

КИРОВ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Папанин кўчаси, 19-уй. Телефон: 33-11-56 (9, 167, 156, 19, 51, 72-э, 60-э-автобуслар; 2, 16, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

КУЙБИШЕВ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Доғистон кўчаси, 53-уй. Телефон 67-22-69 («СоюзНИХИ Инқилоб хиёбони — Улуғбек», 1, 101-э, 24-э, 96, 83-автобуслар; 9, 17, 18-троллейбуслар; 13, 22, 6-трамвайларнинг «М. Горький майдони» бекати).

ЛЕНИН НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Помир кўчаси, 13-уй. Телефон: 91-13-64 (25, 61, 66-автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси» бекати, 2, 10-трамвайларнинг «КОР клуби» бекати).

ОКТЯБРЬ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Қоратош кўчаси, Киев тор кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 44-30-35, 44-27-94, (76, 59, 62, 95, 32-автобусларнинг «Қоратош» кўчаси бекати; 28-э, 43-э, 86, 35-автобуслар; 8, 15, 16, 7-трамвайларнинг «ҲАДРА» майдони» бекати).

С. РАҲИМОВ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Усмон Юсупов кўчаси, 103-уй. Телефанлар: 41-19-35, 41-80-84 (97, 48-э-автобуслар; 10-троллейбус; 27, 10, 23-трамвайларнинг «Лабзак» ёки «Алоқа техникуми» бекати).

ФРУНЗЕ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ ШОХОБЧАСИ

Миршоҳид Мироқилов кўчаси, 9-а-уй. Телефан: 56-31-15 (38-э, 58-э, 66, 67-э автобуслар; 13, 16-троллейбуслар; 7, 24, 4, 28-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ БОШ ШОХОБЧАСИ

Қорасарой кўчаси, 343-а-уй. Телефонлар: 48-11-30, 48-74-36; 48-74-53 (42, 43-э, 93, 82, 56-автобуслар; 10, 7-троллейбусларнинг «Шаҳар СЭСи» ёки «Тажриба пиллакашлик фабрикаси» бекати).

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА
8, 9, 16, 21, 23, 24 МАРТ КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДА
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Ҳусан ШАРИПОВ
«НАВРЎЗ» БАЙРАМИ ОЛДИДАН

ПРЕМЬЕРА

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА!
(Икки бўлимдан иборат ҳангома)

САҲНАГА ҚЎЮВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССР халқ артисти ҲУСАН ШАРИПОВ.

МУСИҚА МУҲАРРИРЛАРИ: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш ТОШМАТОВ ва Комилжон САЪДУЛЛАЕВ.

Рақсларни НОИЛА ОРТИҚОВА саҳнага қўйган.

Мусаввир — СОБИР БЕКМАТОВ.

ТОМОШАДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти ҲУСАН ШАРИПОВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МАРЯМ ИХТИЁРОВА;

артистлардан: ФАЙЗУЛЛА АҲМЕДОВ, Абдуҳолиқ МАМАРАСУЛОВ, Дилором САФОЕВА, Маҳбуба УМАРОВА, Рустам МАЪДИЕВ, Раҳим ҲОЖИЕВ, Александр БЕКЧОНОВ, Ҳамид ТЎХТАЕВ, Абдулатиф САМАДОВ, Тоҳир РАҲИМОВ, Ёдгор ҚУЛМАТОВ, Гулчеҳра ОБИДОВА, Фотима УМАРОВА, Мирза АЗИЗОВ, Содиқ МАМАЖОНОВ, Омина КАРИМОВА ва бошқалар иштирок этадилар.

Чипталар сотилмоқда.

ШАҲАР БИЛИМЛАР УЙИДА

Тошкентликларнинг кўп сонли талабларига биноан

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

АССОЦИАЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ АЛЬБЕРТ СТЕПАНЯН РАҲБАРЛИГИДА
ЭСТОНИЯ ОҚ ВА ҚОРА ЖОДУГАРЛИК АССОЦИАЦИЯСИ

(Таллин шаҳри)

ЧИҚИШЛАРИ

ДАСТУРДА:

ОДАМНИНГ ЎТА ЮКСАК ИМКОНИЯТЛАРИ:

ичдан сезиш, мих ва шиша синиқлари устида юриш, рентген-одам (бир лаҳзада ташхис қўйиш), туморларнинг бало-офатлардан сақлаш хусусияти, саволларга жавоблар, сеҳргарлик, даволаш-соғломлаштириш сеанслари (қандли диабет, псориаз, соч тўкилиши билан хасталанган кишиларга айниқса кўпроқ тавсия этилади). Ўзингиз билан крем, малҳам, сув, беморнинг фотосуратини олиб келишингиз мумкин.

8, 9 МАРТ КУНЛАРИ СОАТ 17 ВА 19.00 ДА

ДАВОЛАШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРКУМИ.

Шунингдек, оилани яраштириш, кўз тегиши, қарғиш уриши кабиларни қайтариқ қилиш бўйича якка сеанслар ҳам ўтказилади.

Соат 11 дан 16.00 гача 41-43-00 телефони орқали маълумотлар олиш мумкин.

Чипталар Билимлар уйи кассасида ҳар куни соат 12 дан 19.00 гача сотилади.

Намойиш дастури учун чипта баҳоси — 10 сўм, даволаш-соғломлаштириш туркуми учун эса — 40 сўм.

Маълумотлар олиш учун телефон: 56-85-58.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22 — 31 МАРТ СОАТ 11, 14 ВА 17.00 ДА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ҚАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР. ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/III да **А. Навоий (премьера),** 6/III да **А. Навоий (премьера),** 7/III да **Жар.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/III да **Кулги ва қўшиқ кечаси,** 6/III да **Ғўзаллар ва миршаблар,** (14.00 ва 17.00), 7/III да **Фармонбиби аразлади** (16.00 ва 19.00).

КИНО

5 МАРТДА

Навоий номидаги Санъат саройи — ЖЕЙМС БОНД. «АСЛО «ҲЕЧ ҚАЧОН» ДЕМАГИН» (18.30, 20.40).

Чайка — ЖЕЙМС БОНД. «АСЛО «ҲЕЧ ҚАЧОН» ДЕМАГИН» (18.30, 20.45).

Нукус — ЖЕЙМС БОНД. «АСЛО «ҲЕЧ ҚАЧОН» ДЕМАГИН» (18.30, 20.45).

Москва — «МУМКИН БЎЛМАГАН НАРСАГА ЭРИШИБ...» (18.20, 20.40).

БЛКЕИ 30 йиллиги номли — «РАМ ВА ЛАКХАМ» (17.00, 20.00).

Восток — «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» (18.30, 20.45).

6 МАРТДА

Навоий номидаги Санъат саройи — ЖЕЙМС БОНД. «АСЛО «ҲЕЧ ҚАЧОН» ДЕМАГИН» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

Чайка — ЖЕЙМС БОНД. «АСЛО «ҲЕЧ ҚАЧОН» ДЕМАГИН» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Нукус — ЖЕЙМС БОНД. «АСЛО «ҲЕЧ ҚАЧОН» ДЕМАГИН» (11.00, 13.30, 16.30, 18.30, 20.45).

Москва — «МУМКИН БЎЛМАГАН НАРСАГА ЭРИШИБ...» (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.40).

БЛКЕИ 30 йиллиги номли — «РАМ ВА ЛАКХАМ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Восток — «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши шаҳар партия комитетининг социал-иқтисодий сиёсат бўлими мудири, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати С. А. Никулинга онаси

Татьяна Павловна НИКУЛИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ оқшоми

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади,

84.997 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма: 4873. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.